



ДАЛИЛЛАРНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ТАРИХИ ВА ТАСНИФИ

Kosimov Shaxobiddin Utkirovich

Sudyalar oliy kengashi huzuridagi Sudyalar oliy maktabi tinglovchisi

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7952112>

ARTICLE INFO

Received: 12th May 2023

Accepted: 19th May 2023

Online: 20th May 2023

KEY WORDS

Далил, жиноят иши, номаълум манба, гумон қилинувчи, исботлаш предмети, номақбул далил.

ABSTRACT

Ҳозирги вақтда жиноят-процессда далиллар, уларнинг қонуний йўллар билан талаб этиш, исботлаш институтига алоҳида аҳамият қаратилиб, уларни жиноят процесси айрим иштирокчилари, яъни гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи ёки уларнинг яқин қариндошларига нисбатан қийноққа солиш, психологик ва жисмоний таъйиқ ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёхуд қадр-қимматни камситувчи муомала турларини кўллаш оқибатида далилларни талаб этиш, олиш, ўзлаштириш, олинган далилларнинг номақбуллигига сабабчи бўлади ҳамда Жиноят-процессуал қонунчилигимизда шу каби йўллар орқали олинган далиллар юридик кучга эга эмаслиги, яъни айблаш учун асос бўлиб хизмат қилмаслиги мустақкамлаб кўйилган. Ушбу илмий мақолада айнан шу ва шу каби масалаларга алоҳида тўхталиб ўтилган. Шу билан бир қаторда бу борадаги айрим илмий хулосалар ҳам ишлаб чиқилган.

Жиноят ишларини юритишга масъул бўлган давлат органлари далилларга баҳо беришда биринчи навбатда шахсинг ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш чораларини кўриши зарур.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев айтганидек, халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак[1].

Жиноят ишларини юритишда далилларни баҳолаш субъекти далилларга асосланиб ўз фаолиятини амалга оширади. Далил иш юзасидан ҳақиқат ошкор бўлишига, жиноят ишини исбот қилишга тўғри ва қонуний ечим топилишига ҳамда ҳар бир қилинадиган процессуал ҳаракатлар бўйича адолатли қарор чиқарилишига хизмат қилади.

Жиноят процессига оид адабиётларда далиллар тушунчасига турлича таърифлар бериб келинади. Процессуалист олим Г.З.Тўлаганова далиллар бу фактлар билан боғлиқ маълумотлардир, исботлаш предмети ва доирасига кирмайдиган фактлар эса далил сифатида тан олинмайди, шунингдек инсон онгида (тасаввурида) предметлар,



нарсалар эмас, балки уларнинг манзаралари, тушунчалари (мазмун-моҳияти) ва улар тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлади[2], дея таъриф берган.

Рус олими Э.Ф.Куцова далиллар тизими қонун чиқарувчининг далилларни тан олишга доир шундай ҳаракатики, улар исботланадиган ҳолатларни (воқеа-ҳодисалар) белгилашга ва уларнинг ҳақиқатга мос келишига имкон беради[3], деб ҳисоблайди. П.С.Абдуллаевнинг фикрича, далиллар ҳар қандай маълумот бўлиши мумкин, иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар мавжудлигини ёки мавжуд эмаслиги далилларни баҳолаш субъектлари томонидан белгиланиши хусусида фикр юритган[4].

Н.В.Савельева эса бу борада барча фактлар, важлар, ва ахборотлар жиноят процессуал қонунчилиги назариясида далил ҳисобланиши[5] хусусида фикр билдирган.

Ушбу процессуалист олимларнинг фикрларининг таҳлилидан шуни англашимиз мумкинки, улар далил тушунчасини очиб беришда аниқ фактларга, исботлаш доирасида тўпланган маълумотларга, ҳақиқатга мос келувчи фактларга ҳамда ҳар қандай маълумотларга таянишган. Бизнинг назаримизда эса айрим жиҳатларга эътибор бериш мақсадга мувофиқдир. Яъни қандай манбадан олинганлиги, келажакда янги жиноятларнинг очилишига хизмат қилувчи маълумотлар ҳам далил саналади ҳамда исбот қилишга жалб этилувчи шахсларнинг маълумотлари ҳам жиноят ишини ҳал этишда салмоқли ўринни эгаллайди.

В.Я.Дорохов далиллар хусусидаги фикрини қуйидагича изоҳлаган, яъни далиллар фактлар билан боғлиқ маълумотлардир, исботлаш предметига кирувчи фактлар эса далил ҳисобланмайди ҳамда ҳақиқий маълумотлар бу қонунда кўрсатилган манбалар асосида тўпланган далиллардир[6].

Бу борада бизнингча, далиллар фақат фактлар билан боғланган ва моддий ҳаёт тамойилларига асосланган маълумотлар далил сифатида тан олинган, руҳий факторлар билан боғлиқ маълумотлар эса тўлиқ асосланмаган.

Барча фикрларни ўрганиб таҳлил қилган ҳолда, далил тушунчасига қуйидагича таъриф берамиз, яъни *далил – ташқи таъсир натижасида пайдо бўлувчи инсон онгида шаклланадиган фактлар ва далилларни баҳолаш субъекти томонидан аниқланадиган ҳамда бошқа иштирокчиларнинг ҳақиқат тамойилларини ўзида акс эттирувчи маълумотлари йиғиндисидир.*

Жиноят процессуал қонунчилигимизда эса фактлар хусусидаги маълумотлар ҳақиқий маълумотлар деб юритилади. Бу борада ҳар бир атаманинг маъносига қисқача тўхталиб ўтамиз. Маълумотлар – бу маълум бир ҳаққоний қарор, якуний ҳулосага келиш учун зарур бўлган ахборотлардир. Фактлар эса объектив ижтимоий ҳаётдаги ҳодисалар ҳисобланади. Фактлар далилларни баҳолаш субъектига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуддир. Фактлар тўғрисидаги хабарлар – бу фактларни далилларни баҳолаш субъекти орқали англаб олишимиз ва билишимиз мумкин бўлган ахборотлардир. Ахборотлар ҳаққоний ёки сохталаштирилган бўлиши мумкин. Ҳақиқий ахборотлар жиноятнинг фош этилишига ёрдам берса, сохталаштирилган ахборотлар эса бунга тўсиқ бўлади.

Б.А.Ражабовнинг фикрича далилларни аниқлаш терговга қадар текширув, тергов ва суд давомида суриштирувчи, терговчи, суд томонидан тергов, суд ёки бошқа



процессуал ҳаракатлар, шунингдек тезкор-қидирув тадбирлари ёрдамида амалга оширилади[7]. Шунингдек, «агар тезкор-қидирув тадбирларининг натижалари фақат қонун талабларига мувофиқ олинган бўлса, ЖПК нормаларига мувофиқ текширилган ва баҳоланганидан кейин ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг ёки тезкор-қидирув тадбирида иштирок этган бошқа шахсларнинг ҳаракатларига боғлиқ бўлмаган ҳолда шахсда жиноят содир этиш учун шаклланган қасд мавжуд бўлганлигидан далолат берса, ушбу натижалар далил сифатида тан олиниши мумкин»[8].

Далилларнинг қуйидаги хусусиятлари мавжуд: жиноят иши учун алоқадор бўлган ҳақиқий маълумотлар; жиноят процессуал қонунчилиги нормаларида мустаҳкамланган манбалардан олинган бўлиши шарт; жиноят ишини тўғри ва қонуний ҳал қилиш учун аҳамиятли бўлган барча ҳолатлар ҳақидаги маълумотларга асосланиши лозим; исботлаш предмети доирасида текширув натижаларининг ишончилиги асосида тўпланган маълумотлар; ҳақиқатга мувофиқлиги юзасидан мақбул бўлиши шарт.

Далиллар жиноят-процессуал қонунчилигида мустаҳкамланган манбалар орқали тўпланиши лозим. ЖПКнинг 81-моддасига кўра «гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, гувоҳ, жабрланувчининг кўрсатувлари, эксперт хулосаси, ашёвий далиллар, овозли ёзувлар, видеоёзувлар, кинотасвир ва фотосуратлардан иборат материаллар, тергов ва суд ҳаракатларининг баённомалари ва бошқа ҳужжатлар қонуний манба сифатида қайд этилган»[9].

Ҳаётимизга технологияларнинг жадал суръатлар билан кириб келиши электрон қурилмаларга талабнинг ошишига олиб келди.

Жиноят-процессуал қонунчиликка тергов ҳаракатларининг видеоконференцалоқа режимида ўтказилишининг жорий этилиши, бу борада далилларни тўплаш ва баҳолаш масалаларини тўғри ҳал этиш имкониятларини юзага чиқарди. Бу судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кириб келиши билан изоҳланади. Хусусан, бугунги кунга қадар 24 мингдан ортиқ ишлар бўйича видеоконференцалоқа режимида суд мажлиси ўтказилди, бунда 52 мингдан ортиқ суд мажлисида иштирок этган фуқароларнинг вақти ҳамда 16 миллиард сўм ушбу шахсларга тегишли бўлган пул маблағлари тежаб қолинди[10].

Электрон қурилмалар орқали жиноятлар содир этилиши ҳам кундан-кунга ортиб бормоқда, чунки барча ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларга электрон тизимлар орқали киришилмоқда. Жиноятларни исбот қилишда электрон далиллардан фойдаланиш бугунги куннинг талаби бўлиб қолмоқда. Жиноят процессуал қонунчиликда электрон далилларни тўплаш имкониятлари, уларни далил сифатида қайд этиш асослари ва улардан фойдаланиш шартлари хусусида қонуний асослар етарли даражада такомиллашмаган.

О.Ш.Пирматовнинг фикрича, дунёнинг ривожланган мамлакатларида ахборот технологиялари орқали яратилган, узатилган, қайта ишланадиган далилларнинг янги тури «электрон далил» (electronic evidence), «рақамли далил» (digital evidence), «компьютер далили» номлари остида ишлатиб келинмоқда[11].



Жанубий Африкалик олим Albert Antwi-Boaslako интернет ва электрон қурилмалар орқали содир этилган жинойтларни исбот қилишда рақамли далилларнинг ўрни жуда муҳим деб қисоблайди[12].

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида»ги ПФ-4947-сон Фармонида судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш мустақамлаб қўйилган»[13].

Рақамли (электрон) далил – рақамли манбалар хусусиятларини ўзида жамлаган электрон-техник қурилма ёки воситалар ёрдамида чоп этилган, узатилган ва ташилган жинойт иши учун аҳамиятли бўлган маълумотлар ёки хабарлар йиғиндиси сифатида муаллифлик таърифини бериш мақсадга мувофиқдир.

«Жинойт-процессуал кодекси талабларини бузган ҳолда, рақамли (электрон) ташувчи жисмлардаги маълумотлар мутахассис иштирокисиз олиб қўйилганлиги ёки кўздан кечирилганлиги натижасида олинган далиллар номақбул деб топилади»[14]. Демак, бу борада жинойт ишларини юритишда рақамли (электрон) далиллар мутахассис иштирокида тўпланиши мажбурий қилиб белгиланган.

Ш.Якубов таъкидлаганидек, электрон жамоатчилик назоратининг ташкилий-техник базасини янада такомиллаштириш учун махсус электрон платформалар, дастурий таъминот тизимлари яратилиши ва такомиллаштирилиши лозим[15].

Жинойт процессуал кодексининг 81-моддасига далил турлари қаторига *рақамли (электрон)* янги далил турини киритиш мақсадга мувофиқдир.

Н.Б.Бахрамова низоларни электрон ҳал қилиш бу низоларни ҳал қилишнинг бир шакли бўлиб, томонларнинг ўзаро келишуви асосида компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда низони ҳал қилиниши[16] сифатида баҳолаган.

Рақамли далилларни тўплаш кўпгина ҳолларда далилларни баҳолаш субъекти томонидан масофадан туриб амалга оширилади. Масалан, жинойт қонунчилигимизда янги тергов ҳаракати сифатида киритилаётган онлайн тинтув ўтказиш орқали рақамли далилларни тўплаш имконияти мавжуд. Онлайн тинтув деганда, тергов органлари, жинойтни тезкор-қидирув органлари содир этилиши тахмин этилаётган ёки кутилаётган жинойтларни самарали олдини олиш ёки жинойт иши учун далилий аҳамиятга эга бўлган маълумотни олиш мақсадида, интернетга уланган компьютерда ёки махсус техник қурилмалар, воситалар (масалан, троян дастурлари, масофадан туриб чекланмаган узоқликдаги компьютерларни рухсатсиз бошқариш дастурлари) ёрдамида тинтув ўтказиш тушунилади. Айниқса жинойтларни олдини олишда «айғоқчи дастурлардан» фойдаланиш катта самара беради.

Шунингдек, онлайн тинтув ўтказишнинг муҳим хусусиятларидан бири мавжуд терминалларга, кўплаб дастурлар ва маълумотлар сақланаётган базаларга кириш орқали далиллар тўплашдан иборат. Бу борада далилларни тўплаш учун рақамли (электрон) платформадан фойдаланувчиларнинг идентификацияси (логин, парол, биометрик маълумотлар) ёки уларнинг авторизациясини (фойдаланиш қоидалари) билиш талаб этилади.

Хориж тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, онлайн тинтув Япония, Жанубий Корея, Сингапур каби давлатларда жуда кенг қўлланилади. Европа давлатларидан



Германия қонунчилигида қуйидагича изоҳ берилган: Онлайн тинтувдан шундай вазиятни ажратиш лозимки, бунда одатий тинтув вақтида *терговчилар фош этилган шахс* компьютерини текшириш жараёнида узоқда жойлашган компьютерга кириш имкониятини қўлга киритишади (ўзига хос *узоқдан кириш*). Агар изланаётган маълумотлар йўқолиши хавфи мавжуд бўлса, бундай тадбирни ўтказиш ЖПК §110 III да тартибга солинган. Шунингдек, 2009 йил 1 январдан бошлаб, Германиянинг федерал жиноий бюроси тўғрисидаги қонун §20I II да, ўзига хос назорат манбалари, айғоқчи дастурлар ёрдамида превентив-полиция соҳасида телефон ва бошқа сўзлашувларни ёзиб олиш учун махсус ҳуқуқий асослар мавжуд.

Юқоридагиларга асосланиб, ЖПКга янги Шунингдек онлайн тинтув жиноятчилар томонидан содир этилган киберхужумларни аниқлаш ва фош этишда самарали механизмга айланиши керак. Республикамизда киберхужумлар одатда шахснинг маълумотларини (пластик карта рақамини аниқлаш, махсус электрон кодларни қўлга киритиш) мақсадида унга телефон қўнғироқларини амалга ошириш ва электрон почталарга вирусли хабарлар юбориш орқали амалга оширилади.

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида»ги ПФ-4947-сон Фармонида судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш белгиланган»[17]. Бу суд-тергов фаолиятини рақамлаштиришни янада тезлаштириш имконини беради.

А.Хўжаназаровнинг фикрича, жиноят процессининг исботлаш босқичида «электрон далил» ва «электрон маълумотларни» тўплаш, текшириш ва уларни процессуал расмийлаштиришни белгилловчи процессуал нормалар ишлаб чиқиш зарурати мавжуд[18].

О.Пирматов рақамли далилларга электрон далил техника воситалари ва ахборот тизимлари хизматлари ҳамда ахборот технологияларидан фойдаланилган ҳолда яратилган, ишлов бериладиган, сақланадиган ва идентификация қилиш имкониятини берадиган, шу билан бирга бошқа реквизитлардан иборат ахборотлар сифатида таъриф берган[19].

М.Б.Бахрамова онлайн арбитраж суд мажлисида тарафларнинг жисмоний иштирокисиз низоларни кўриб чиқадиган ихтисослашган ҳакамлик тури деб таъкидлаб ўтган[16].

Юқоридагиларга асосланиб, электрон далиллардан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини тўлиқ такомиллаштиришни таклиф этамиз.

Шу муносабат билан, жиноят ишларини юритишда электрон (рақамли) қурилмалар орқали содир этилаётган жиноятларни фош этишда самарали механизмни йўлга қўйиш мақсадида, далилларни баҳолаш субъекти фаолияти самарадорлигини янада ошириш учун «*Рақамли (электрон) далилларни тўплаш, процессуал қайд этиш ва улардан фойдаланиш бўйича Йўриқнома*» ҳамда «*Рақамли (электрон) далилларни мутахассис иштирокида олиш ва экспертиза қилиш бўйича Йўриқнома*» ишлаб чиқиш катта аҳамият касб этади.

Кўплаб мамлакатларда жиноятларни очишда бошқа ноанъанавий усуллардан ҳам фойдаланилади. Булар гипноз остида сўроқ қилиш, полиграф - ёлғон детекторидан



фойдаланиш, экстрасенсорика, биоритмология каби усуллардир. Ғ.А.Абдумажидов таъкидлаганларидек, бундай ҳолларда шахсинг ақли бутунлай пасаяди, ўзини идора қилиш имкони йўқолади, шу туфайли бундай усулларга илмий жиҳатдан ҳам, ахлоқий жиҳатдан ҳам йўл қўйиб бўлмайди[21].

Ҳақиқий маълумотлар исботлаш предметига алоқадор бўлиши лозим. Алоқадорлик далилларнинг мазмунини ифодалайди. Жиноят иши юзасидан тўпланган далиллар иш учун аҳамиятга эга бўлса, воқеа-ҳодиса тафсилотларини ўзида ифодаласа, бундай далиллар ишга алоқадор деб топилади. Ушбу ёндашув тергов ишини юритишга янада аниқлик киритади.

«Далил номаълум манбадан ёхуд жиноят иши бўйича иш юритиш жараёнида аниқлаш мумкин бўлмаган манбадан, мавжуд далиллар мажмуи билан тасдиқланган ҳоллардан ташқари, жабрланувчи, гувоҳ, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг тахмин, фараз ёки миш-мишларга асосланган кўрсатувларидан олинган ҳамда тегишли равишда юридик кучга эга бўлмаган маълумотлардан жиноят ишлари бўйича далил сифатида фойдаланишга йўл қўйилмайди»[20].

Далиллар, биринчидан, биз томонимиздан аниқланадиган воситалар бўлиб, улар ёрдамида биз номаълум, изланаётган нарса ҳақида, масалан, гувоҳ кўрсатувларидан айбланувчининг қотиллик сабабларини ўрганамиз ва далилларни топамиз. Бу исботлаш предмети бўлиб, унинг ёрдамида изланаётган ҳолат - *faktum probans* келтириб чиқарилади. Иккинчидан, у ақлий жараён аҳамиятига эга, шу йўл билан изланаётган ҳолат маълум ҳолатга боғланади ва аниқланади.

Ушбу фикрлар шуни кўрсатмоқдаки, далиллар хусусиятининг мазмун-моҳиятида далилларнинг ишончлилиги, мақбуллиги ёки номақбуллиги, алоқадор далилларнинг чегараланмаганлиги, уларга қўйилаётган талаблар каби муҳим факторлар муҳим ўрин эгаллаган.

Юқоридаги фикрларни жамлаган ҳолда жиноят ишларини юритишда далил сифатида қуйидагилар тан олиниши ҳақида хулосага келиш мумкин: жиноят содир этилганлигини акс эттирувчи ахборотлар; далилларни баҳолаш субъекти томонидан топилган жиноятга алоқадор маълумотлар; жиноятнинг содир этилганлиги ёки содир этилмаганлигини тасдиқловчи маълумотлар; гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг айбдор ёки айбдор эмаслигини тасдиқловчи маълумотлар; далилларни баҳолаш субъектлари томонидан жиноят ишига жалб этилган иштирокчиларнинг берган кўрсатувлари; жиноят ишига тааллуқли бўлган фотосуратлар, аудио (видео) ёзувлар; электрон (рақамли) далиллар; суд-тергов ҳаракатларини расмийлаштириш натижасида юритиладиган баённомалар ва бошқа ҳужжатлар; ҳимоячи томонидан тўпланган маълумотлар; жиноят иши хусусидаги ҳолатларни рад этувчи, шубҳа остига олувчи ва тасдиқловчи маълумотлар; янги жиноятларнинг очилишига асос бўлувчи маълумотлар; далилларни баҳолаш субъектининг текширувлари натижасида ҳақиқатга мувофиқлиги аниқланган маълумотлар; мақбуллик нуқтаи назаридан баҳоланган ҳаққоний маълумотлар.



References:

1. Шавкат Мирзиёев. Эркин ва фаравон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. // «Ўзбекистон» НМИУ. Тошкент – 2016. – Б.19.
2. Тўлаганова Г.З., Жиноят процессуал ҳуқуқи. Умумий қисм. Дарслик. Муаллифлар жамоаси //ю.ф.д. проф. Г.З. Тўлаганова, ю.ф.н, доц. С.М.Рахмоноваларнинг умумий таҳрири остида. – Тошкент. ТДЮУ нашриёти. 2017. – Б. 77.
3. Куцова Э.Ф. Доказательства — элемент фактической основы уголовно-процессуальных решений // Вестн. Моск. ун-та. Сер. право. 2011. № 3. С. 35–36.
4. Абдуллаев П.С. Понятие доказательства в уголовно-процессуальном праве России (актуальные вопросы) // [Вестник Московского университета. № 11](#). 2012. – С. 99-109.
5. Н. В. Савельева. Проблемы доказательств и доказывания в уголовном процессе: учеб. пособие // Н. В. Савельева. – Краснодар : КубГАУ, 2019. – Б. 6.
6. Дорохов В.Я. Теория доказательств в уголовном процессе. / Под ред. Н.В.Жогиной. - М.: 1973. -Б. 224.
7. Ражабов Б. А.: Жиноят процессида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш: монография. – Тошкент: ИИБ Академияси, 2019. – Б. 112.
8. Ўзбекистон Республикаси жиноят ва жиноят процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Қонун 2021 йил 18 феврал. ЎРҚ-675-сон. <https://lex.uz/docs/5295912>
9. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси. <https://lex.uz/docs/111460>
10. https://uza.uz/uz/posts/sudlarda-hokimlarning-2-ming-852-qarori-noqonuniy-deb-topilgan_249516
11. О.Ш.Пирматов. Иқтисодий ва фуқаролик суд ишларини юритишда электрон далилларнинг процессуал жиҳатлари. Автореф. дисс. ю.ф.д –Т.:2020. – Б. 5.
12. Albert Antwi-Boaslako. A model for dijital evidence admissibility assessment. // диссертация, Phd – Жанубий Африка.: 2018. – Б.42.
13. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.07.2018 йил, 06/18/5483/1594-сон
14. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги «Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 24-сонли Қарори. <https://lex.uz/docs/3895986>
15. Шухрат Якубов. Электрон жамоатчилик назорати: моҳияти, аҳамияти, зарурати ва истиқболлари. // Юридик фанлар Ахборотномаси. ТДЮУ – 2020. – Б. 32.
16. М.Б.Бахрамова. Арбитраж юрисдикциясини тартибга солиш ва амалий муоммолар (юнситрал намунавий қонуни асосида): Диссертация автореферати юридик фанлар бўйича фалсафа доктори. // Тошкент. – 2021. – Б. 17.
17. <https://lex.uz/docs/3107036>
18. Хўжаназаров А. Электрон кўринишидаги маълумотлардан жиноят-процессуал исбот қилишда фойдаланишнинг умумназарий асослари. //Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали. 7-сон – Т.: ТДЮУ, 2019. – Б. 31.
19. Пирматов О. Иқтисодий ва фуқаролик суд ишларини юритишда электрон далилларнинг процессуал жиҳатлари. Автореф. дисс. ю.ф.д –Т.:2020. – Б. 18.



20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2017 йил 30 ноябр, ПФ-5268-сон. – <https://lex.uz/docs/3432426>.

21. Абдумажидов Ғ.. Иқдорликнинг моҳияти ва оқибати. // Жиноят процессида айбга иқдорлик битими. Илмий-амалий анжуман материаллари. –Т.: ТДЮИ, 2006. –Б.12.